

Касб масаласи



15:40 / 13.09.2017 4506

Кишилар орасида «Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг қадарини белгилаб қўйган бўлса, касбнинг нима кераги бор?» дейдиганлар ҳам бор.

Яна «Аллоҳ таолога таваккул қиладиган бўлсак, ҳеч нарса қилмай ётаверсак ҳам бўлар экан-да», дейдиганлар ҳам йўқ эмас.

Баъзи мутасаввифлар: «Таваккул ҳамма нарсани сабабини ахтармасдан, Аллоҳ таолога ишониб топширишдир. Ким бир ишнинг тадбирини қилмоқчи бўлса, маълум бир натижага эришиш учун ўзича чора-восита изласа, Аллоҳ таолога ишонмаган ва суянмаган бўлади. Бу эса иймонга зиддир», дейдилар. Бунга ўхшаш гапларни хоҳлаганча келтириш мумкин. Афсус ва надомат билан айтамикки, бошқа исломий ақийдаларни англашда тойилиш бўлгани каби, ушбу масалада ҳам тойилиш бор.

Келинг, бу масалани жиддийроқ ўрганиб чиқайлик.

Уламоларимиз касбни таърифлаб: «**Касб мақсадни ҳосил қилиш учун саъй – кўшиш қилиш ва сабаб бўладиган нарсаларни ишга солишдир**, дейдилар.

Шунингдек, улар таваккулнинг таърифида: **«Таваккул дунё ва охират ишларида фойдани жалб қилиш ва зарарни даф қилишда қалбнинг Аллоҳ таолога сидқидилдан эътимод қилишидир»**, дейдилар.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабига кўра, таваккул қалбга, касб эса аъзоларга боғлиқ ишдир. Асбобларни ишга солмагунча, таваккул ҳосил бўлмайди.

Тасаввуф имомларидан бири Саҳл Тустарий раҳматуллоҳи алайҳ таваккул ва касб ҳақида қуйидаги ажойиб фикрларни айтган: «Ким ҳаракатга, яъни саъй ва касбга тил теккизса, батаҳқиқ, суннатга тил теккизган бўлади. Ким таваккулга тил теккизса, батаҳқиқ, иймонга тил теккизган бўлади. Таваккул Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳолларидир, касб у зотнинг суннатларидир. Ким у зотнинг ҳолларига амал қилса, зинҳор суннатларини тарк қилмасин».

Бу ҳақиқат Қуръони Карим оятларидан ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан олингандир.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули, (уловимни) тушовлаб туриб таваккул қилайми ёки қўйвориб таваккул қилайми?» деди. Шунда у зот:

«Уни тушовлаб туриб, кейин таваккул қил», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бир киши ўз уловини минган ҳолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди-да, у зотга қараб мурожаат қилди:

«Эй Аллоҳнинг расули, (уловимни) тушовлаб туриб таваккул қилайми ёки қўйвориб таваккул қилайми?»

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни тушовлаб туриб, кейин таваккул қил», дедилар».

Бу ҳадиси шарифдан таваккул қилиш билан бирга сабаб бўладиган ишларни ҳам пухта равишда олиб бориш лозимлиги келиб чиқади, чунки таваккул қалб иши бўлиб, бу нарса банданинг қалбига, нияти ва эътиқодига боғлиқ амалдир. Воқелиқдаги ишларнинг юзага келиши эса Аллоҳ таоло томонидан жисмга ва унинг аъзоларининг амалига боғлиқ

қилинган.

Муовия ибн Қурра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб аҳли Ямандан бир гуруҳ одамларга йўлиқиб қолиб:

«Сизлар кимсизлар?» деб сўради.

«Таваккул қилувчилармиз», дейишди.

«Йўқ! Сизлар текинхўрларсиз. Таваккул қилувчи олдин донни ерга сепаиб қўйиб, кейин Аллоҳга таваккул қилади», деди».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Сарахс аҳли сўраган масалалар китобидан)